



## Ислом Нури

### Аллох мени кечирадими?

«Мен тавба қилишни хоҳлайман, лекин менинг гуноҳларим ниҳоятда кўп. Бирон ахлоқсизлик, бирон гуноҳ ёки ҳаёлингизга келган бошқа бирон номаъқулчилик йўқки мен қилмаган. Шу йиллар давомида қилганларимни Аллох кечирармикан, билмайман», - дейишингиз мумкин.

Бу савол тавба қилмоқчи бўлган кишиларнинг кўпчилигини қийнайди. Келинг, сизга бу саволни менга биринчи бўлиб берган бир йигит ҳақида гапириб берай. У гуноҳ ишларни жуда ёшлигидан қила бошлаган ва ўн етти ёшга тўлганида ўз ҳисобига турли ахлоқсизликлар, каттаю кичик гуноҳлар ва маъсиятларни ёзиб улгурган эди. У ҳатто ёш бир қизни зўрлаган ҳам экан. Буларга ўғирликнинг узун рўяхатини ҳам қўшишимиз мумкин. У менга шундай деди: «Мен Аллоҳга тавба қилдим ва ҳозир баъзи қунлари кечаси туриб таҳажжуд намозларини ўқияпман, душанба ва пайшанба қунлари рўза тутаяпман ва Бомдод намозидан кейин Қуръон ўқийман. Тавбам қабул бўлармикан?».

Ёчим ва даво излаётган мусулмонларга Қуръон ва Суннат энг асосий манбадир.

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жинойт қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли, Меҳрибондир. Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари (яъни, Аллоҳнинг бирон бало-қазосига дучор бўлмай туриб)



## Ислом Нури

Парвардигорларингизга кайтинглар ва Унга бўйинсунинглар!».

Бу юқоридаги саволга жавобдир.

Гуноҳларим жуда катта-да, деб иккиланишга куйидагилар сабаб бўлади:

- Аллоҳнинг раҳмати чексиз эканлиги тўғрисида етарли иймонга эга бўлмаслик;
- Аллоҳнинг барча гуноҳларни кечириб юборишга кодирлиги тўғрисида етарли иймоннинг йўқлиги;
- Қалб ҳаракатининг секинлиги, яъни умидсизлик;
- Тавбанинг барча гуноҳларни ювиб юборишини тўлиқ тушуниб етмаслик;

«... Раҳматим-меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир ...».

Ҳадиси кудсийда Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло шундай дейди: «Агар ким Менинг барча гуноҳларни кечира олишга кодирлигимни билса, Мен уни (қандай катта гуноҳлар қилганидан) қатъий назар кечираман, фақат у Менга бирор нарсани шерик қилмаган бўлса».

Бу Киёматда ҳисоб-китоб пайтида бўлади.

Даъвони ҳадислардан излайдиган бўлсак, унда ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолонинг куйидаги сўзларини топамиз:

«Эй Одам фарзандлари, сизлар мудом Менга (дуо қилар экансизлар) ва Мендан умид қилар экансизлар, нима қилган бўлсангиз ҳам (қандай катта гуноҳ бўлишидан) қатъий назар кечираман. Эй Одам фарзандлари, агар сизларнинг гуноҳларингиз осмондаги булутларга



## Ислом Нури

кадар етиб борса ва Мендан магфират сўрасангиз, (кандай катта гунохлигидан) катъий назар, магфират киламан. Эй Одам фарзандлари, агар сизнинг ер юзичалик гунохингиз бўлса ҳам, Менга ҳеч нарсани шерик килмаган холда йўликсангиз, Мен сизларга ер юзичалик магфират билан рўбарў бўламан».

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам марҳамат килдилар: «Ким гунохига тавба килса, ўша гунохни килишдан олдинги холига кайтади».

### **Юз жонни ўлдирган кишининг тавбаси**

Абу Саъид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрий разияллоху анхудан: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизлардан олдин ўтган одамлар орасида тўксон тўккиз жонни ўлдирган бир киши бор эди. У ер юзидаги энг илмли киши хакида сўраган эди, уни ҳеч кимга кўшилмасдан алоҳида яшовчи бир зоҳиднинг олдига жўнатишди. У зоҳиднинг олдига бориб, унга тўксон тўккиз кишини ўлдирганини айтди ва магфират килинаманми, деб сўради. Зоҳид: «Йўк»,- деган эди, уни ҳам ўлдирди. Шу билан ўлдирганларининг сони юзта бўлди. Кейин яна ер юзидаги энг илмли киши хакида сўради. Уни бир олимга жўнатишди. У олимга юз кишини ўлдирганини айтиб: «Магфират килинишимга имкон борми?»- деб сўради. «Ҳа, сени тавба килишдан нима тўсиб турибди(ки тавба килмаяпсан)? Фалон шаҳарга бор, чунки у ернинг халқи Аллохга ибодат килишади. Сен ҳам улар билан бирга ибодат қил ва юртингга қайтиб келма, чунки бу ер ёмон жой»,- деб жавоб берди олим. Сўнг у катъий қарорга келиб, ўша шаҳар томон йўл олди. Ярим йўлга етганда ўлим фариштаси келиб унинг жонини олди. Раҳмат ва газаб (жазо берувчи) фаришталари бир-бирлари билан тортишиб қолдилар.



## Ислом Нури

- У тавба қилган эди ва Аллох томон кетаётган эди,- деди раҳмат фариштаси.

- У бирорта ҳам солих амал қилмади-ку,- деди газаб фариштаси.

Шунда уларнинг ёнига одам кифасида бир фаришта келди. Фаришталар ундан ечим сўрашди.

- Иккала тарафнинг ҳам (яъни яшаган юрти ва кетаётган шаҳрининг) масофасини ўлчаб кўринглар. У қайси томонга яқин бўлса, демак ўша тарафдан,- деб жавоб берди у.

Улар иккала тарафни ҳам ўлчаб кўришди. Натижада у кетаётган шаҳарига яқинроқ бўлиб чиқди ва уни раҳмат фариштаси олиб кетди».

Саҳих бир ҳадисга кўра: «У хидоятга эришган шаҳарга бир қарич яқинроқ эди. Шундай қилиб ўша шаҳар аҳолиси деб қабул қилинди».

Бошқа бир ривоятда эса шундай дейилади: «Аллох субҳанаху ва таъоло (ёмон шаҳарга) узоклаш ва (хидоятга эришган шаҳарга) яқинлаш, деб амр қилди. Сўнг улар ўртасини ўлчанглар, деди. Улар хидоятга эришган шаҳарга бир қарич яқинроқ деб топишди ва у кечирилди».

Нахот сизнинг гуноҳингиз Аллох тавбасини қабул қилган ўша кишиникидан ҳам кўпроқ бўлса?! Йўкса нега тавбани орқага сураяпсиз? Агар гуноҳларингиз бундан-да буюкроқ бўлса, Аллох субҳанаху ва таъолонинг қуйидаги сўзларига бир қулок тутинг:

«Улар Аллох билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилмаслар ва Аллох (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ва зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса,



## Ислом Нури

укубатга дучор бўлади. Киёмат Кунда унинг учун азоб бир неча баробар килинур ва у жойда хорланган холида мангу колур. Магар ким тавба килса ва иймон келтириб яхши амаллар килса, бас, Аллох ана ўшаларнинг ёмонлик-гунохларини яхшилик-савобларга айлантириб кўюр. Аллох Мағфиратли, Мехрибон бўлган Зотдир».

Ушбу жумлалар устида фикр юритинг: «... Аллох ана ўшаларнинг ёмонлик-гунохларини яхшилик-савобларга айлантириб кўюр».

Бу Аллохнинг раҳмати канчалар чексиз эканини билдиради. Олимлар бу алмаштиришнинг икки хил бўлишини айтганлар:

1. Ёмон хулқларни яхши хулқларга аламаштиради, яъни ширк тавҳидга, зино садакага, ёлгон тўғри сўзликка ва ҳақозо.

2. Кайта тирилиш кунда ёмон амалларни яхши амалларга алмаштиради. «... Аллох ана ўшаларнинг ёмонлик-гунохларини яхшилик-савобларга айлантириб кўюр», ояти ҳақида яна бир бор фикр юритиб кўринг. Бу ерда бир гунохни шунча микдордаги яхшиликка алмаштирилади, дейилаётгани йўқ. Микдорда ёки огирликда камрок, тенг ёки кўпроқ бўлиши мумкин. Бу тавба килган кишининг канчалик холис эканига боғлиқдир. Бундан ҳам кенгрок-каттарок бўлган раҳматни тасаввур қила оласизми?!

Абдурахмон ибн Жубайр разияллоху анху ривоят қилади: Абу Тавил Шатб ал-Мамдуд Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ёнларига келди. (бошка бир ривоятда: «Кошлари кўзларига тушган, жуда кекса бир киши Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ёнларига келиб хассасига суяниб турди») ва:



## Ислом Нури

- Бирорта ҳам катта ва кичик гунохни колдирмай гунохларнинг барча турини қилган (бошка бир ривоятда: «Агар унинг гунохларини бу дунёдаги барча одамларга таксимланса, уларнинг барчасини бузиб юборадиган даражада кўп гунох қилган») киши хақида нима дейсиз? Ўша кимса ҳам тавба қилиши мумкинми?- деб сўради.
  - Муслмонмисиз?- деб сўрадилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам.
  - Ашхаду анлаа илааха илла Аллох ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва расулуху,- деди.
  - Яхши амаллар қилиб ёмон амаллардан йирок юринг. Сиз учун Аллох барчасини (яъни гунохларни) яхши амалларга алмаштиради, - дедилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам.
  - Ёлгончилик ва ахлоксизликларимни ҳамми?- деб сўради қария.
  - Ха. (Уларни ҳам),- дед жавоб берди Набий соллаллоху алайхи ва саллам.
  - Аллоху акбар,- деди қария ва кўздан пана бўлгунга қадар Аллохни поклаб кетди».
- Савол: «Исломдан беҳабар, намозлар ўқимасдан жохил бўлиб юрганамда баъзи яхшиликларни қилганман. Тавба қилганимдан кейин ўша амалларим учун ҳам мукофотланаманми ёки улар бекорга кетадими?».

Бу саволга қуйидаги ҳадис етарли жавоб деб умид қиламан.



## Ислом Нури

Урва ибн Зубайр разияллоху анхудан: «Хаким ибн Хизомнинг менга айтишича, у Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан шундай деб сўраган экан:

- Ё Расулуллох, жоҳилиятда юрган пайтимда қилган садақа, кулларни озод қилиш, силаи раҳм каби яхшиликларим учун муқофотланаманми?

- Сен аввал қилган яхшиликларинг туфайли мусулмон бўлдингда,- деб жавоб бердилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам».

Барча гуноҳларингиз кечирилади, барча ёмон амалларингиз яхши амалларга алмаштирилади ва жоҳилиятда қилган барча яхши амалларингиз тавба қилганингиздан кейин ҳам сизнинг хисобингизда яхши амал бўлиб туради. Бундан ортиқ фазлу марҳамат бўлиши мумкинми?!

### **Гуноҳ қилганимда нима қилишим керак?**

Савол: «Агар бир гуноҳ ишни қилиб қўйсам, уни тўғирлашим учун қандай тавба қилишим керак?»

Жавоб: Гуноҳ иш қилиб қўйилса, икки нарса қилиниши керак.

Биринчи қилинадиган иш: қалбда қаттиқ пушаймонлик ва бу гуноҳни қайтиб қилмасликка қатъий қарор қилиш. Бу Аллохдан кўркишнинг натижасидир. Иккинчи қилинадиган иш эса: гуноҳни ювиб юбориши учун тавба намози каби турли хил солих амалларни қилиш.

Абу Бакр разияллоху анхудан: Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Хато (гуноҳ) қилган киши туриб покланса ва икки ракат намоз ўқиб Аллохдан мағфират қилишини сўраса, Аллох мағфират қилади». Сўнг қуйидаги оятни



## Ислом Нури

тиловат килдилар:

«(У такводор зотлар) қачон бирон-бир фахш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки (қандайдир нолайик иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират-кечирим сўрайдилар, -ҳар қандай гуноҳни Ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур,- билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир».

Бошқа бир ҳадис эса гуноҳга каффарот бўладиган бу икки ракаат намоз қандай ўқилишини баён қилади. Қискача:

Таҳорат олсин. «Таҳорат қилганда ва уни яхшилаб (мукамал) қилганда ювган аъзоларидан гуноҳлари сув билан ёки энг сўнги сув томчиси билан бирга тушиб (ювилиб) кетмайдиган бирор киши йўқдир».

Шундай экан таҳоратни мукамал қилсин. Таҳорат қилишдан олдин «Бисмиллаҳ»,- деб бошласин. Таҳорат қилиб бўлгандан кейин ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган саҳих дуоларни ўқисин.

{  
}.

Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У шериксиздир.  
Гувоҳлик бераманки, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг кули ва Расулидир.

{  
}.







## Ислом Нури

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам марҳамат килдилар: «Ёмон амаллар килиб кейин яхши амалларга ўтган киши нафас олдирмайдиган даражада бўғиб кўядиган тор кийим кийган кишига ўхшайди. Бир солих-яхши амал килса, озгина кенгайди ва у солих амалларини кўпайтиргани сайин кенгайиб боради хатто ўзининг бўйидан ҳам узайиб-кенгайиб ерга тушиб қолади».

Демак, солих амаллар гунохкорни итоатсизлик чангалидан халос килиб, Аллохга бўлган ибодатлар оламига кириб боришини таъминлайди.

Ибн Масъуд разияллоху анхудан: «Бир киши Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келиб:

- Ё Расулуллох, мен бир аёлни богда кўриб қолиб у билан бундан (кўшилишдан) бошқа ҳамма нарсани килдим. Менинг устимдан хоҳлаган хукмингизни чиқаринг,- деди.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ҳеч нарса демадилар ва у киши қайтиб кетди. Умар разияллоху анху:

- Аллох унинг гуноҳини ўрабди (яширибди). Уни ўзи ҳам ўраганида (яширганида) эди,- деди.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унинг орқасидан қараб турдилар ва:

- Уни чакириб келинглар,- дедилар.

Чакириб келишди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унга мана бу оятни тиловат килдилар:



## Ислом Нури

«Кундузнинг хар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўқис адо қилинг! Албатта яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур. Бу эслатма олгувчилар учун бир эслатмадир».

Шунда Муоз разияллоху анху:

- Ё Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бу мана шу кишининг ўзи учунми ёки барча учун тааллуқлими?- деб сўради.

- Йўқ, бу ҳамма учун тааллуқли,- деб жавоб бердилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам».

### **Ёмонлардан кутила олмаяпман**

Савол: «Тавба қилмокчиман, лекин қаерга бормайин ёмон хулқли танишларим мени таъқиб қилади. Улар мендаги ўзгаришни дархол пайқаб хужумга ўтишади. Уларга қарши чиқишга ожизлик қиламан. Нима қилишим керак?»

Жавоб: Сиз бунга сабр билан бардош беринг. Чунки Аллох субҳанаху ва таъоло бандаларининг қанчалик холис эканлигини синаб қўради. Натижада ҳақни ботилдан ва яхшини ёмондан ажратади.

Ҳақ йўлга биринчи қадамни ташлаган экансиз, мустаҳкам турунг. Улар сизни ҳақдан қайтариш учун жамланган инсон ва жинларнинг энг ёмонларидир. Уларга парво қилманг. Даставвал улар сизга бу ўткинчи ҳолат, бир инкироз, бунинг ниҳояси йўқ, дейишади.

Ажабки, динга қирганлар кўп ҳолларда тавбадан йироқ бўлган танишларидан «Бечора, қандай ёмон аҳволга тушиб қолди-я» каби «тасалли»лар эшитишади.



## Ислом Нури

Йўлдан урувчилардан қандай паноҳ сўрашни бизга Роббимиз ўргатган:

«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Аллохнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо килурман».

Ибодат учун Роббингиз ҳақлими ёки сизни ёмонликка чакираётган кимсаларми?

Улар қаерга борманг сизни таъкиб қилишади. Бир йигит бошидан ўтганларни менга айтиб беришча, унинг учрашиб турудиган бир кизи бўлган экан. У тавба қилганидан сўнг киз шофёрига йигитни такиб қилишини буюрар ва йигит масжидга кетаётганида машинанинг ойинасидан бошини чиқариб уни чакирар эди.

Лекин Аллох субҳанаху ва таъоло шундай дейди:

«Аллох иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собиткадам қилур. Золимларни эса Аллох (Ҳақ) Йўлдан оздирур. Аллох Ўзи хоҳлаган ишни қилур».

Улар сизга ўтмишингизни эслатади ва ўтмишда қилган гуноҳларингизни хотиралар, чуқур узрлар изхор қилиш, расмлар ва хатлар билан жозибали-чиройли қилиб кўрсатади. Уларга парво қилманг. Сизни йўлдан уриш учун қўллаётган усулларнинг барчасига қарши мустаҳкам туринг. Расулulloх соллаллоху алайхи ва



## Ислом Нури

салламнинг улуг саҳобаларидан бири Каъб ибн Моликнинг куйидаги ривоятини ёдда сакланг.

«Каъб ибн Молик Табук газотидан ортда колгани учун саҳобалар ундан алокани узишди. Бу яккалаш Аллох таъоло унинг тавбасини қабул қилгунга қадар давом этди. Шу вақт ичида кофир фассон подшоси Каъбга: «Эшитишимизча бошлигинг сенга ёмон муносабатда бўлаётган экан. Аллох сени хор қилиб қўймайди. Бизнинг ёнимизга кел, биз сени таъмин этамиз», - деб мактуб жўнатди. Кофир бир мусулмоннинг устидан галаба қилмокчи бўлди. Шу пайтда улуг саҳоба қандай ҳаракат қилди? «Уни ўқиб чиқиб, бу ҳам бир синов, дедим ва хатни ўчоққа ташлаб юбордим», - деди Каъб разияллоху анху.

Мусулмонларга кофирлар томонидан бир нарса жўнатилганда уни ёқиб юбориш керак, ёнаётганда эса Дўзах оловини эслаш керак.

«Бас, (Эй Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), сабр-тоқат қилинг! Шак-шубҳасиз, Аллохнинг (Сизни ва умматларингизни кофир қавм устидан қолиб қилиш ҳақида) ваъдаси ҳақдир. (Охиратга) ишонмайдиган қимсалар Сизни харғиз бетоқат қилмасинлар».

### **Мени кўрқитишяпти**

«Тавба қилмокчиман, лекин эски дўстларим ўтмишимни барчага ошқор қилиш билан мени кўрқитмокда. Улар менга қарши расмлар ва бошқа қогозлардан фойдаланмокда. Обрўйимдан ташвишдаман ва бундан кўрқаяпман», - дейишингиз мумкин.

Сизга маслаҳатимиз, шайтони лаъиннинг дўстларига қарши жанг қилинг. Шайтоннинг хийласи заифдир. Иблис ёрдамчиларининг барча



## Ислом Нури

бу босимлари хақиқий мўминнинг собиткадамлиги ва сабри ёнида парча-парча бўлиб кетади. Агар уларга озгина ён босадиган бўлсангиз, бу факатгина сизга қарши далил бўлаётганини сезасиз. Агар шундай қилсангиз эртами-кечми сиз ютказасиз. Аллоҳдан уларга қарши сизга ёрдам беришини сўранг ва: «Хасбуна Аллоҳу ва неъмал вақийл», - дег. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

{□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□}.

Парвардигоро! Мени Ўзинг хоҳлаган нарса билан улардан саклагин!- дер эдилар.

Албатта бу осон эмас. Бир бечора кизнинг тавба қилганини олиб кўринг: Собик йигити унга телефон қилиб: «Сухбатларимизни (кассетага) ёзиб олганман. Уни барчага кўрсатаман. Агар мен билан учрашмасанг оиланг олдида хурматингни тўқаман», - деб дагдага қилибди.

Шайтон дўстлари тавба қилган актёр-актриса ва хофизларга қарши қандай қураш олиб боришларига бир назар ташланг. Улар тушган энг ёмон махсулотларни бозорларда сотувга чиқаради ва уларни босим остига олишади. Лекин Аллоҳ Ундан кўркувчилар ва тавба қилувчилар билан биргадир. У мўминларнинг Дўсти ва Ёрдамчисидир. Аллоҳ уларни хор қилиб қўймайди. Ундан паноҳ сўраган бирор киши хор бўлмаган. Қийинчилик ортидан осонлик қилишини доим ёдда сакланг.

«Зумар»- 53-54

«Аъроф»- 156



Табароний ва Хоқим ривояти

Термизий ривояти

Ибн Можа ривояти

«Фурқон»- 68-70

Табароний ривояти

Бухорий ривояти

«Оли-Имрон»- 135

Сунан соҳиблари ривоят қилган

Муслим ривояти

Термизий ривояти

Насоий ривояти

«Саҳих ат Тарғиб»

Табароний ривояти

«Худ»- 114

Муслим ривояти

«Ан-Нос» сураси



Ислом Нури

Тавба қилишни хоҳлайман, лекин ... (2) | 16

«Иброҳим»- 27

«Рум»- 60

Муслим ривояти